

ЯНВАРЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ

Гуруҳ		Ўрта					
Мавзу		Ватан ҳимоячилари куни					
Муддати		Январнинг 2-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Болалар соғлиғини мустаҳкамлаш ишларини давом эттириш, организмни чиниқтириш ва унинг функцияларини такомиллаштириш. Овқатланиш тартибига риоя қилишни тарбиялаш, сабзавот, мевалар ва бошқа фойдали маҳсулотларни истеъмол қилишга ўргатиш. Инсон танасига зарур бўлган витаминлар ҳақида тушунчалар бериш. Соғлиққа уйқунинг фойдаси, гигиенага эътибор бериш, жисмоний ҳаракат ва чиниқишнинг фойдаси ҳақида тушунчалар бериш. Кайфиятни кўтариш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Турли ролли диалогларда иштирок этиш, ролларни алмаштириш жараёнида диалог мазмунини ўзгартириш. Тарбиячи билан ролларни алмашишни билиш, янги ўйин позицияси асосида ҳаракат қилиш (турли ролларда диалог). Ўйин жараёнида қоидаларга риоя қилишга эътиборли бўлиш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Бизнинг армиямиз ҳақида тушунчалар бериш; ҳарбий атамалар ва ҳарбий касблар билан таништириш,; намунага асосан танкни мустақил чизишга ўргатиш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Мактабгача таълим муассасаси ҳудудида сайр қилиш. Геометрик фигураларни топиш, 5 гача бўлган тартиб рақамини топишни машқ қилиш; кенглиги бўйича предметларни таққослаш; ҳаракат фаолияти, тезлик, чакқонлик, чидамлиликни ривожлантириш. Саволларга аниқ жавоб беришни ўрганишни давом эттириш					
	Ижодий ривожланиш	Муסיқа турларини билиш ва уларни тинглай олиш. Қоғоз билан ишлашни билиш. Мўйқалам учини уриб расм чизишни билиш. Катта шаклларни яратиш орқали тафаккурни шакллантириш. Муסיқа ритмини фарқлашни билиш					
Эркин фаолият	Ривожланиш марказлари	Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
	Қуриш-яаш ва математика	Яшаш: Кема (оригами)	Қуриш: Ҳарбий аэродром				Лего, қоғоз, рангли қоғоз, геометрик шакл, 5 гача бўлган рақам, турли ўлчамдаги ўйинчоқлар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Биз-ҳарбий разведкачилармиз” сюжетли-ролли ўйин Қўшинлар намоиши					Мавзуга оид предметлар тўплами, ўйин учун кийим
	Тил ва нутқ	Сухбат, тақдирот: Менинг севимли армиям		Биз-аскарлармиз. Расмга қараб ҳикоя тузиш			Сюжетли расм, АКТ, расмли карточкалар
	Фан ва табиат	Чўқади, чўкмайди. Сув билан амалий тажриба		«Дарёда кема сузаяпти” таълимий ўйин			Сув, сув учун идиш, балиқ расмли карточкалар, кўк рангдаги лентачалар тўплами
	Санъат	Расм: Байрам учун байроқча		Яшаш: Менинг чиройли пирамидам		Аппликация: Учувчи самолётлар қатори	Пластинин, доска, рангли қоғоз, елим, салфетка, қалам, фломастер, трафаретлар
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ЯНВАРЬ ИККИНЧИ ҲАФТА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Қуриш-ясаиш ва математика маркази

Оригами усулида ясаиш: Кема

Мақсад: болалар қоғоздан оригами схемасига биноан кема ясайдилар, қоғозни буклаш техникасини биладилар, мантиқий фикрлайдилар, қўлнинг кичик моторикасини ривожлантирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: рангли қоғозлар, схема, АКТ

Фаолиятнинг бориши:

1. Транспорт турлари ҳақида суҳбат.
2. “Дарёда кема сузаяпти” шеърини тинглаш
3. Намунани кўриб чиқиш.
4. Намуна (схема) бўйича кема ясаиш.
5. Хоҳишлари бўйича безатиш.
6. Ишлар кўргазмаси, рағбатлантириш

Қўшимча: икки хил ўлчамдаги кема ясайдилар.

Эътиборга молик жиҳати: олдида, орқада, ёнида тушунчалари, қўл кичик моторикаларининг ривожланиши.

Қуриш-ясаиш ва математика маркази

Қуриш: Ҳарбий аэродром

Мақсад: болалар ҳаво транспорти турларини биладилар, ўз мамлакатининг армияси билан фахрланадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: лево, ўйинчоқ самолёт, вертолет, ракеталар тасвирланган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Нима учади, нима сузади?” таълимий ўйин
2. Расмларни кўриб чиқиш.
3. Ҳаво транспорти мавжуд бўлган ҳарбий аэродром қуриш.
4. Ҳавода учишни амалга ошириш (Кимнинг самолёти тез учади?)
5. Кўргазма. Ҳаво аэродромини ташкил этиш.
6. Юлдузчалар билан безатадилар.

Қўшимча: мавзу бўйича муҳокама.

Эътиборга молик жиҳати: ўлчами бўйича қисмларни бирлаштириш кўникмаларининг такомиллашуви.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Биз - ҳарбий разведкачилармиз” сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: болалар ҳарбийлар ҳақида билимларга эга бўладилар, ҳарбий разведкачилар образига кира оладилар ва топшириқларни бажарадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қурилиш материаллари, ҳарбийларни акс эттирувчи расм, костюмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Катта бўлсам ким бўламан? Суҳбат.

2. “Топ ва айтма” таълимий ўйин.
3. Ролларни тақсимлаш.
4. Ўйин жараёни.
5. Ролларни алмаштириб ўйнаш.
6. Болаларни рағбатлантириш

Қўшимча: ҳарбийлар ҳақида шеърлар эшитиш.

Эътиборга молик жиҳати: ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Қўшинлар намойиши” сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: болалар ҳарбий касблар: чегарачи, денгизчи, учувчи, разведкачилар ҳақида маълумотга эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар:қурилиш материаллари, ҳарбий касб эгаларининг костюмлари, АКТ

Фаолиятнинг бориши:

1. Биз ўз ватанимиз билан фахрланамиз. Сухбат
2. Армия иштироки ҳақидаги фильмни кўриш.
3. Ҳарбийлар образига кириш.
4. Намойиш ўтказиш.
5. Ролларни алмашиш
6. Рағбатлантириш

Қўшимча: ҳарбийлар ҳақида адабиётларни кўриб чиқиш ва ўқиш, аскарлар ҳақида шеърлар тинглаш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг хоҳишига қараб ролларни тақсимлаш.

Тил ва нутқ маркази

Сухбат-тақдимот: Менинг севимли армиям

Мақсад: болалар ўз мамлакати ва армияси ҳақида билимга эга бўладилар, ҳар бир мамлакатнинг чегараси мавжудлигини биладилар ва уни ҳимоя қилиш керак деган тушунчага эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар:расмлар, Ўзбекистон ҳақида фильм.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Мен Ўзбекистонда яшайман” шеърини ўқиш (тинглаш).
2. Фильм намойиши, расмларни кўриб чиқиш.
3. Армия ҳақида сухбат.
4. Мавзуга оид расмларга мос сўзлар танлаш.
5. “Чегарачилар” сюжетли-ролли ўйин

Қўшимча: мавзуга оид расмлар бўйича ҳикоя тузадилар.

Эътиборга молик жиҳати: “Армия” мавзусига тегишли сўзлар билан луғат бойлигининг ошириш.

Тил ва нутқ маркази

Биз аскарлармиз. Расмга қараб ҳикоя тузиш

Мақсад: болалар "армия" сўзининг маъносини тушунадилар, армияда аскарлар хизмат қилишини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳарбий хизматчиларнинг расмлари

Фаолиятнинг бориши:

1. “Менинг Ватаним – Ўзбекистон” мавзусида суҳбат
2. Ҳарбийлар тасвирланган расмларни кўриб чиқиш.
3. Расм асосида ҳикоя тузиш.
4. Ҳикоя мазмунига мос расм чизиш.
5. Ҳикояда ёққан образни тасвирлаб бериш
6. Болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча: армия ҳақида китоблар ўқиш ва расмларни кўриб чиқиш.

Эътиборга молик жиҳати: мавзу бўйича луғат бойлигининг ошиши.

Фан ва табиат

Сув. Амалий тажриба

Мақсад: болалар амалий тажриба ўтказадилар, сувнинг хусусиятларини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қоғоз кемалар (марказда лойиҳалаштириш) сув куйилган идиш, елпигич.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сув, муз, буғ, булут, ёмғир ҳақида топишмоқлар.
2. Болалар кемаларни идишдаги сувга қўйиб юборадилар. Кемалар қандай сузишларини кузатадилар (тез, секин).
3. Нима учун кемалар ҳар хил сузишини таҳлил қиладилар.
4. “Ким тез бажаради?” таълимий машқ
5. Кимнинг кемаси тезроқ сузади?

Қўшимча: сув (океан, дарё)га оид расмларни кўриб чиқиш.

Эътиборга молик жиҳати: ўтказилган тажрибани таҳлил қилишни билиш.

Фан ва табиат маркази

“Дарёда кема сузаяпти” таълимий ўйини

Мақсад: болалар муаммоли вазиятларни ечадилар, балиқлар сувда сузишини биладилар, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: балиқлар тасвирланган расмлар, кемалар, кўк рангли тасмалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Суҳбат: “Балиқлар қаерда яшайдилар?”
2. Мавзуга оид расмларни кўриб чиқиш.
3. “Дарёда кема сузаяпти” таълимий ўйини.
4. Муҳокама. Хулоса

Қўшимча: Денгиз ва океанларда яшовчилар ҳаётидан сўзловчи видеофильм томоша қилиш. Луғат бойлигини ошириш.

Эътиборга молик жиҳати: ҳаракат ва воқеаларнинг бир-бирига боғлиқлигини тушунадилар (кемача сузади, балиқ сузади).

Санъат маркази.

Расм: Байрамга байроқча

Мақсад: болалар турли геометрик шаклдаги байроқчаларни чизадилар, ранглар ҳақидаги билимларини мустаҳкамлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар:мавзуга оид расмлар, А-4 ҳажмдаги қоғозлар, рангли қаламлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Байроқ” шеърини тинглаш
2. Мавзуга оид расмларни кўриб чиқиш (давлат байроғи).
3. Варақча байроқ чизиш.
4. “Байрам учун байроқлар” ҳаракатли ўйин
5. Муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: энг яхши байроқча мусобақаси.

Эътиборга молик жиҳати:болаларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш.

Санъат маркази

Аппликация: Учувчи самолётлар қатори

Мақсад: болалар бўлақлардан тасвир ҳосил қиладилар, ёпиштирадилар, тўғри кесадилар, айланани кесишни ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар:рангли қоғоз, картон, самолёт тасвирланган расм, елим, мўйқалам, қайчи, салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Суҳбат: “Учувчи бўламан”.
2. Шеър: “Самолёт, самолёт”.
3. Самолётлар тасвирланган расмларни кўриб чиқиш.
4. Самолёт шаклини кесиш ва ёпиштириш.
5. Болалар иши намойиши.

Қўшимча: ишлар намойишини жамоавий ташкил этиш.

Эътиборга молик жиҳати:жамоада ишлашни билиш.

Санъат маркази

Ясаш: Менинг чиройли пирамидам

Мақсад: болалар айлана шаклли турли ўлчамдаги предметларни ясайдилар, қисмларни бирлаштирадилар, кўриш орқали идрок этадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар:пластилин, ясаш учун доска, пирамида ўйинчоғи.

Фаолиятнинг бориши:

1. Суҳбат: “Менинг чиройли пирамидам”.
2. “Ўлчам бўйича таққосла” таълимий ўйин.
3. Болалар пирамидани кўриб чиқадилар.
4. Намуна бўйича пирамида ясайдилар.
5. Ясаш учун ажратилган жойга ишларини жойлаштирадилар.

Қўшимча: пирамидалар билан бирга коптоклар ҳам ясайдилар.

Эътиборга молик жиҳати: ташаббус билдириш, ўйинчоқларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш.